Ушбу сонда:

2 ХОРИЖДАМАС ЎЗИМИЗДА тайёрланган маҳсулотлар мўмай даромад келтирмоқда

3 *Касаба уюшма сиҳатгоҳларида* «ОҚТОШ» ЧИРОЙИ

4 *Юртимиз обидалари* ОҚСАРОЙ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 30 май, чоршанба №83 (1097)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ижтимоий ҳимоя

Келажаги буюк давлатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидаёқ ногиронлар, ёлғиз кексаларга меҳр-мурувват кўрсатишга эътибор кучайтирилди. Бу борада Бухоро вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаётир.

НОГИРОНЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори тегишли идоралар учун муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур ҳужжат асосида кенг қамровли тадбирлар белгиланиб ижроси таъминланмоқда.

Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, воҳада амалдаги йилнинг биринчи чорагида бандлик, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадлари учун мўлжалланган тадбирлар тўлиқ бажарилишига эришилган. Ҳозир вилоятда 144110 нафар киши пенсия ва 13595 нафар фуқаро нафақа пули олади. Бунинг учун шу даврга талаб этилган 4249,8 миллион сўм маблағ молиялаштирилди ва тўловлар вақтида амалга оширилди.

Ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғизлар 711 нафар бўлиб, уларга шу йилнинг уч ойида маҳаллий бюджетдан 5,5 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. 882 нафар ёлғиз кекса, ногирон ва пенсионерларга дастурда белгиланган тартибда ижтимоий тиббий хизмат кўрсатилди. 730 нафар киши диспансер кўригидан ўтказилди. Шифокорлар ташхисига қараб 45 нафар киши касалхоналарда, 117 нафари уйда даволанди. 7 нафар ёлғиз яшовчи сиҳатгоҳларга юборилди. 10 га яқин одам махсус аравачалар, 4 нафари эшитиш мосламалари, 74 таси эса кўзойнак, 163 фуқаро дори-дармон билан таъминланди.

Шу даврда ҳомий корхона ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан ёлғиз пенсионерларга 2676530 сўмлик моддий ёрдам уюштирилди. Муҳтожларга ногиронлик аравачалари, протез-ортопедия ва эшитиш мосламалари ҳадя этилди. Ундан ташқари, бош бошқарма томонидан ҳам 1,4 миллион сўмлик протез-ортопедия ҳамда 222 минг сўмлик эшитиш мосламалари ногиронларга бепул тарқатилди.

436 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронларига бензин харид қилишлари учун 3,4 миллион сўмлик ёрдам пули тўланди. Шунингдек, 3та Мурувват уйига ва уларда яшаётган 810 нафар кишига бюджетдан 58,9 миллион сўм сарфланди.

Тегишли маблағларни жалб этган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик корхоналар ташкил этилаётгани бу борадаги ишларни янада яхшилаш имконини бермоқда. Ҳозирча вилоятда яккаю ягона саналган «Фошун» ўқув ишлаб чиқариш корхонаси Бухоро шаҳар ногиронлар жамияти қошида ташкил этилган.

Тўқимачилик туманида жойлашган мазкур корхона 1993 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўшанда бу ерда атиги 4 киши меҳнат қиларди. Ҳозир эса ундаги ишчилар сони 8, ишлаб чиқариш қуввати 6 баравар ошди.

— Илгарилари уйда дори-уколсиз тура олмасдим. Корхонанинг тикиш-бичиш цехига ишга кириб, меҳнат билан овунаётганимдан бери соғлиғим анча яхшиланди. Ўзимни енгил ҳис этяпман. Аввал II-гуруҳ ногирони эдим, ҳозир III-гуруҳ ногиронлик нафақасини оламан. Бизга шундай имкониятни яратиб берган мутасаддилардан миннатдорман, - дейди тикувчи уста Саодат Латипова.

Яқин орада бу ерда ногиронларга кундалик турмушда зарур бўладиган буюмларни тайёрлаш йўлга қўйилади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Шунингдек, ногиронларга уй-рўзғор буюмларини тузатадиган имтиёзли хизмат кўрсатиш бўлимлари ташкил этилади.

Аммо бу муаммолар йўқ, ҳамма иш рисоладагидек силлиқ кетяпти, дегани эмас. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш уларнинг саломатликларини тиклаш, ишга жойлаштириш масалаларида кўпгина камчиликлар ҳам учраб турибди.

Жамият марказлари фаолиятига эътиборни кучайтириб, хайрия кечалари, концертлар ва бошқа маданий-оммавий тадбирлар уюштиришни изчил йўлга қўйишни ҳам унутмаслик зарур.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Маърифий-мафкуравий тарбия-барчамизнинг ишимиз

СЎЗ ОДАМНИ, ОДАМ ҲАЁТНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Мустақил мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу ҳар биримиздан фикран ва ақлан бугунги ҳаёт, мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар жараёни билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишни тақозо этади. Лекин бу ҳақда ҳар кимнинг тушунчаси ҳар хил. Ёвуз ниятли кимсалар, хориждаги айрим марказлар ўтиш даврининг мураккабликларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга очиқдан-очиқ уринишмоқда.

Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий янгиланишлар, халқимизнинг эзгу орзу мақсадларига етиш йўлидаги яратувчилик ишлари, эртанги кунга катта умид билан бунёд этилаётган иншоотлар, маънавий-маърифий соҳадаги ютуқларимизни халқимиз онг-шуурига етказиш, қалбига теран сингдириш бугун айниқса долзарб ваазифадир.

Яқинда Миллий матбуот марказида ижодий уюшмалар, илм-фан, маданият ва маънавият, таълим-тарбия соҳаси мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида маърифий-мафкуравий тарбияни янада такомиллаштириш масаласига бағишланган анжуманда бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги олдидан амалга ошираётган «Истиқлолимиз - истиқболимиз» мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирлар мажмуидан ўзланган мақсад ҳам ана шунда.

Жамоатчи тарғиботчи-ташвиқотчилардан иборат беш гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб, аҳоли ўртасида долзарб маънавий-маърифий ва мафкуравий мавзуларда маърузалар қилди, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётий мисоллар, жонли таҳлиллар асосида одамларга етказди. Кейинги учрашувлардаги баҳс-мунозараларда аҳоли ўртасида савол-жавоблар ўтказилади.

Ҳозиргача уч гуруҳ Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлиб қайтди. Жонли мулоқотлар, асосан чекка қишлоқ ва овулларда, шунингдек, қишлоқ туманлари марказларида ташкил этилди.

- Кимки халқимизнинг маънавий-маърифий, мафкуравий суҳбатларга қанчалар муштоқ эканини билмоқчи бўлса, вилоятларга - шаҳар ва қишлоқларга йўл олсин. Шунда бир нарсага амин бўлади: сўз одамни ўзгартиради, одам эса ҳаётни,- дейди биз билан суҳбатда Тошкент Давлат педагогика университети профессори, фалсафа фанлари доктори Иброҳим Каримов.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши жамоатчи тарғиботчиларининг яна бир гуруҳи шу кунларда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида тадбирлар ўтказяпти. Кейинчалик шундай жонли мулоқотлар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтади.

(ЎзА).

АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Самарқанд вилояти қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси тармоқ Марказий Қўмитаси билан ҳамкорликда семинар ўқуви ўтказди. Шундай тадбир, жумладан «Самвилширкатқурилиш» трести очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида, 38-техника лицейида ҳам уюштирилди. Машғулотларда Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳуқуқ нозири Ф.Кузьменко маъруза ўқиди. Шунингдек, жойларда амалий ёрдам кўрсатилди.

Болалар ёзи — катта имтиҳон

Бу ёруғ жаҳонда энг завқли нарсалардан бири бола кулгусидир. Ўғил-қизларимиз ҳамиша бахтиёр, тўрт мучаси соғ, шодон кайфиятда бўлишларига эришишда ёзги оромгоҳларнинг роли катта. Шу боис, касаба уюшмалари ёзги таътилни намунали ташкил этишга алоҳида эътибор бериб келадилар. Бу борада ўзига хос бой тажриба тўпланган.

МАФТУНКОР МАСКАНЛАР ЧОРЛАЙДИ



Яқинда Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгашида мактаб ўқувчиларини ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига қандай тайёргарлик кўрилганлиги атрофлича муҳокама қилинди.

— Тўрт йилдирки, муҳим ишга янгича йўналишда ёндошилмоқда, - деди вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Аъзам Ихтиёров. — Яъни, фарзандларимиз Жиззах шаҳридаги санаторий-профилакторийларда мириқиб дам оладилар. Бунинг ўзига хос маъқул томонлари бор. Биринчидан, шифокор ёрдамига муҳтож болалар даволаниш имконига эгалар. Қолаверса, мароқли дам олиш учун барча шароит муҳайё этилган.

«Муаллим» сиҳатгоҳи ҳақида кўпчилик яхши гапларни айтмоқда. Бу ерда ҳар мавсум малакали шифокору ҳамширалар, ходимлар хизмат кўрсатадилар. Сўлим гўша замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган. Ён-атроф ободонлаштирилган. Ҳар навбати икки ҳафта давом этадиган оромгоҳда уч маҳал мазали таомлар берилади. Шунингдек, спорт ўйинлари, турли мусобақалар, савол-жавоб кечаларига ҳам эътибор кучайтирилади. Сиҳатгоҳ барчага маъқул бўлаётгани боис, бу ерда дам олишни ихтиёр этаётганлар сони йил сайин кўпаймоқда.

Ш.ЁҚУБОВ.

КРЕДИТ ҲИСОБИДАН УН ТЕГИРМОНИ

Миллий банкнинг Мирзачўл туман бўлими бу ерда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам унинг мижозлари сони кун сайин ортмоқда.

Яқинда банк яна бир хайрли ташаббусга қўл урди. Россиянинг Нижний Новгород шаҳридаги «Мелченинвест» ҳиссадорлик жамияти билан суткасига 50 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тегирмон қуриш ҳақида шартнома имзоланди. Тегирмон асбоб-ускуналари Россиядан келтирилади. Банк кўмаги билан тегирмон учун қулай бино танланиб, катта ҳажмдаги монтаж ишлари бошлаб юборилди. Тегирмон қисқа фурсат ичида фойдаланишга топширилиши учун 211 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишни республика миллий банки ўз зиммасига олди.

Шоҳруҳ САРИЕВ.

БУХОРОЛИК УЧ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Маълумки, якинда Россиянинг Тверь шаҳрида кураш бўйича 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида иккинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 10 мамлакатдан келган икки юзга яқин ёш полвонлар беллашди.

Ўзбекистон терма жамоаси таркибида қатнашган бухоролик ёш полвонлар ҳам гиламда нималарга қодир эканликларини намойиш қилди. Олот туманидаги 7-олимпия спорт мактаб-интернати тарбияланувчилари бу нуфузли турнирда муносиб иштирок этди. Малик Қодиров (45 килограмм), Акобир Туробов (77 килограмм) ва Алишер Қурёзов (77 килограммдан юқори) вазн тоифаларида барча рақиблари курагини ерга тегизиб, жаҳон чемпиони деган фахрли унвонга сазовор бўлди. Тверь шаҳрида олтин медал соҳиби бўлган уч бухоролик ёш полвон шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, мустақил Ўзбекистон мадҳияси янгради.

Олотлик яна бир ёш полвон Худойберди Мустоқов (50 килограмм) эса чемпионатнинг бронза медали соҳиби бўлди. Бухоро шаҳридаги «Олимпия заҳиралари» махсус спорт мактаб-интернати тарбияланувчилари ҳам беллашувларда муваффақиятли қатнашди. Зафар Нуруллаев (71 килограмм) кумуш медаль совриндори бўлган бўлса, Умар Мустафоев (65 килограмм) бронза медали билан тақдирланди. Шундай қилиб, жаҳон чемпионатидан бухоролик ёш полвонлар олтита медаль билан қайтди. Бу эса Бухоро вилоятида курашга катта эътибор берилаётганининг яна бир исботидир.

КИМЁГАРЛАР КАСБ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАШДИ

Навоийни бежиз кимёгарлар шаҳри дейишмайди. Шаҳардаги «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Электркимё» заводида минглаб навоийликлар меҳнат қилади. Улар ўзларининг касб байрами - кимёгарлар кунини кенг нишонлади.

Ўтган йиллар мобайнида жамоа аъзолари қишлоқ хўжалигига зарур бўлган кимёвий маҳсулотлар сифатини яхшилаш, турини кўпайтириш устида иш олиб борди. Бир вақтлар фақат минерал ўғитлар тайёрлаб берадиган бирлашма бугун юртимиздаги улкан саноат корхоналари учун ҳам кимёвий маҳсулотлар етказиб бермоқда. Германиянинг «Лурги» фирмаси, Чирчиқдаги «Ўзниихимпроект» институти билан ҳамкорликда каустик сода, хлор ва хлор кислотаси каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхонанинг довруғини янада оширди. Айниқса, валюта эвазига четдан келтирилаётган каустик сода ва хлорид кислотасининг ўзимизда ишлаб чиқарилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига қўшилган катта улушдир.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Германиянинг «Берлинер» банки билан ҳамкорликда қурилаётган «Каустик сода» заводи тўла қувват билан иш бошлагач, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи янада ортади. Юзлаб янги иш ўринлари яратилади.

Навоийдаги «Кимёгар» ўйингоҳида байрам муносабати билан тантана бўлиб ўтди.

(ЎзА).

Шикоят қаерда ва нега ёзилади?

Ҳар бир фидойи инсон яхши ишлаб, яхши яшашни, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонишни орзу қилади. Максадига эришиш йўлида йиллар мобайнида изланади, тўсиқларни мардона енгишга ҳаракат қилади.

САНСАЛОРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Айни пайтда ишловчи ўз жамоаси билан, касб-кори билан фахрланади, шахсий муваффақиятини мустаҳкамлаб боришга интилади. Иродали, омилкор кишилар қийинчиликлардан чўчимайдилар. Бироқ, ҳеч ким адолатсизликка чидолмайди.

Олтинсой туманидаги 36-умумтаълим мактаби ўқитувчилари Орифжон Мирзаев ва Орифжон Тоҳиров ҳам эзгу мақсад йўлида сидқидил тер тўкдилар. Ёшларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштиришга баҳоли-қудрат ҳисса қўшдилар. Улар ҳарбий хизматга чақирилиб, йигитлик бурчини шараф билан ўтадилар. Хизматдан қайтгач қадрдон мактабларида ўз ишларини давом эттиришмоқчи бўлишди. Бироқ, туман халқ таълими бўлими мудири негадир уларни ишга олмай бугун келинг, эрта келинг, дея сарсон қилган. Қаттиқ ранжиган собиқ ўқитувчилар ёрдам сўраб туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилишди.

Мутахассислар уларнинг аризалари билан танишгач, масалани мутасаддилар олдига кўндаланг қўйишди. Тажрибали педагогларга нисбатан адолатсизлик қилинганлиги, уларнинг ҳақ-ҳуқуқи чекланганлигини эътироф этишди. Ахир Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасида «Ҳарбий хизматга чақирилган, кейинчалик заҳирага бўшатилган ходим аввалги иш жойига (лавозимига) қайтиб келиш ҳуқуқига эга» деб аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Буни халқ таълими бўлими мудири А.Жалилов яхши билсада, ўзини билмасликка олган. Ҳамжиҳатликда қилинган саъй-ҳаракат туфайли адолат қарор топди. О.Мирзаев ва О.Тоҳировлар ўз ишларига қайта тикландилар.

Шундай раҳбарлар борки, улар «меники тўғри» қабилида иш юритадилар. Боз устига эски услубдан, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатлардан халос бўла олишмаган. Бу эса ишда, кадрларга муносабат масаласида камчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Тумандаги 5-ўрта мактаб директори А.Худойқулов ўринбосари У.Қудратовни ноқонуний тарзда вазифасидан озод этган. Касаба уюшма қўмитамиз аралашувидан сўнг директор айбини бўйнига олиб, ўз буйруғини бекор қилди.

17-умумтаълим мактаби меҳнат ўқитувчиси М.Пўлатова ҳам бизга ариза билан мурожаат этди. Таъкидланишича, дарс соатларини тақсимлаш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришда илм маскани директори Х.Ортиқов адолатсизликка йўл қўйган. М.Пўлатова тажрибали ўқитувчи бўлиб, қарамоғида 6 нафар фарзанди бор. Шунингдек, умрдоши хасталикка чалинган. Уни даволаш учун маблағ зарур. Мактаб директори буни била туриб Муҳаррамхонга жуда кам дарс соати ажратиб келган. Ҳақли талаб қондирилди. Дарс соатларида тенглик ўрнатилди.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Адолат эгилиши мумкин, аммо у асло синмайди. Юқоридагилар бунга ёрқин мисолдир.

Э.МЕНГБОЕВ,
Олтинсой тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ХОРИЖДАМАС ЎЗИМИЗДА

тайёрланган маҳсулотлар мўмай даромад келтирмоқда

Қўқон шаҳридаги «Обидхон» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси мустақиллигимиз билан тенгдош. Ушбу корхона ҳам ўз фаолиятини бошлаганига ўн йил бўляпти. Шу давр мобайнида эришилган ютуқлар чакки бўлмади.

— Дастлаб ишни нутрия боқишдан бошладик, — дейди фирманинг тижорат ишлари бўйича директори Мўйдин Маҳмудов. — Уларнинг мўйна ва терисидан телпак, пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ишларимиз бароридан келиб, фаолиятимиз йилдан йилга кенгая борди. Кейинчалик илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда тери хом ашёси қайта ишланиб, чарм камзуллар тикиш ўзлаштирилди. Харидорларга манзур бежирим тикилган телпак ва либослар савдоси юришди. Кийимларнинг сифати хорижникидан қолишмаслиги ва арзонлиги боис ташкилотлар ҳамда аҳолидан якка тартибда келаётган буюртмалар кўпаяверди.

Бизда маркетинг бўйича ишлаётган мутахассисларнинг маслаҳатлари ишларимизни ривожлантиришда жуда ҳам асқотмоқда. Чунки, бозор талабини ўрганиш жараёни бизга имкониятлар яратди. Натижада бултур пайпоқ ишлаб чиқариш шўъба корхонасини ишга туширдик. Ҳозирги кунда мазкур корхонада тайёрланаётган ранг-баранг пайпоқлар республикамиз бозорларида сотиляпти.

Шунингдек, хром териси қайта ишланиб, қишлоқ хўжалигида ишловчилар учун оёқ кийимлар тикилмоқда. Бунга ҳам талаб тобора ортмоқда. Ундан ташқари, электр монтёрлари ишлатадиган чангак тасмалари ясаш ҳам йўлга қўйилди. Тасмаларга ҳам ташкилотлар кўплаб буюртмалар беришган.

Яна бир эътиборли жиҳати, ушбу фирма чет эл инвесторлари билан ҳамкорлик алоқаларини йил сайин мустаҳкамламоқда. Жумладан, Америка, Германия, Чехия каби давлатлар билан иқтисодий алоқалар тобора ривожланаётир. Италиянинг «MAYN GRUPP», «RIZZI» фирмалари ва Германиянинг «BASF» концерни билан тузилган битимлар айниқса самарали бўлмоқда.

Фирманинг иқтисодий салоҳияти ошгани сайин, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ортмоқда. Дастлаб у ерда бешта ишчи ишлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 100 нафардан ортади. Ўртача ойлик маош 15 минг сўмни ташкил этмоқда. Маданий ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароит муҳайё. Овқатланиш ва дам олиш хоналари дид билан безатилган. Истаганлар кутубхонада китоб мутолаа қилиши, қизиқанлар спорт тенниси билан шуғулланишлари мумкин.

Дарвоқе, буларнинг барчаси корхона ҳисобидан. Хуллас, одамлар баракали меҳнат қилишлари учун фирма раҳбарлари астойдил жон қуйдиришяпти. Натижа кутилганидек бўлаётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида 82 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қарийб 12 миллион сўм соф фойда олинди. Ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари ишчи-хизматчиларга арзон нархда берилаяпти.

Айни пайтда фирма раҳбарлари жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида боғ барпо этиш ҳаркатида юришибди. Асосий масалалар ҳал этилди. Яқин орада ишчи-хизматчилар ширин-шакар мева-чевалардан баҳраманд бўлишади. Шу билан бирга жорий йилда «Ўзсаламан» қўшма корхонаси билан 200 миллион сўмлик шартнома имзоланди. Шартнома шартларини муддатида бажариш учун фирманинг аҳил жамоаси ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Қобилжон ШОКИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратда: Фирма вакиллари ишлаб чиқарган маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

ТАЪЛИМДАН ТАЪЛИМНИНГ ФАРҚИ БОР

Кейинги йилларда халқимиз фарзандларининг иқтидори тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Бу давлатимизнинг таълим соҳасидаги оқилона сиёсатининг самарасидир, албатта. Айниқса, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг инновация ва илғор технологиялар бўлими бошлиғи М.Болиев билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Ёшларга халқаро стандартлар даражасида таълим бериш учун жаҳон педагогикаси тажрибасини ўрганиш муҳим. Бу борада бошқарма томонидан қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Мустақиллик туфайли таълим соҳасида ҳам ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш имконияти очилди. Ўқувчиларга халқаро андозалар даражасида билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, янгича услубларни қўллаш мақсадида бир қанча хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилаяпти. Хусусан, АҚШнинг Тинчлик корпуси, Халқаро Қизил Хоч жамияти, Кўмак жамғармасининг очиқ жамият институти, Менежмент халқаро таълим Маркази, Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти вакиллари билан ҳамкорликда вилоят касб-ҳунар коллежларида ўқув-амалиёт семинарлари ўтказилди.

Бундан ташқари, 20 нафардан зиёд ўқитувчиларимиз Канада, АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Англияда бўлиб, малака оширишди. Хорижда ижодий сафарда бўлган ўқитувчилар иштирокида Самарқанд енгил саноат касб-ҳунар коллежида бўлган семинарда Дания, Италия, АҚШ, Германия, Канада таълим тизимининг афзалликлари, уни вилоят касб-ҳунар мактабларида қўллаш масалалари хусусида фикрлашиб олишди. Табиийки, уларнинг энг самаралисини танлаб олиш, Ўзбекистон таълим тизими ва анъаналарига мос келадиганларини ижодий ўзлаштириш тақозо этилади. Шу нуқтаи назардан Германиянинг Дуал ва Модулли, Канаданинг вирту ал ўқитиш, Кореянинг масофадан бошқариш ва ўқитиш тизимини эътироф этиш мумкин. Шунингдек, Интернет, факс, модел, электрон почта, электрон кутубхоналардан фойдаланиш мумкин.

— Қайси давлатларнинг таълим усули бизнинг таълим тизимимизга кўпроқ мос келади?

— Очиғи, ҳеч бири айнан мос келмайди. Аммо таълимнинг самарадорлигини оширишни таъминлашда юқоридаги мамлакатларнинг таълим тажрибасини кенгроқ қўллаш, ижодий ўрганиш мумкин.

— Таълим янгиликлари, услуб ва технологиялар касб-ҳунар мактаблари ўқитувчиларига қай тариқа етказилмоқда?

— Бошқарманинг инновация ва янги педагогик технологиялар бўлими қошидаги Марказда махсус адабиётлар, ахборотлар кўргазмаси мавжуд. Марказда Интернет тармоғига уланган компьютер, аудио-видео ускуналар, кадоскоп, диапроекторлар, ўқув фильмлари, ноанъанавий дарслар видеотекаси бор. Ўқитувчилар исталган вақтда бундан фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, матбуотда илғор тажрибалар ёритиб борилмоқда.

Яна бир муҳим гап. Ўқитувчиларимиз хориж тажрибасини ўрганиш билан бирга ўзлари ўқув дастурлари тузиш, дарсликлар ёзиш учун жиддий изланишмоқда. Хусусан, СамДУ қошидаги академик лицей, тиббиёт коллежи, агротадбиркорлик коллежи, темир йўл техникуми, механика-иқтисодиёт коллежи, Пахтачи бизнес мактаби ўқитувчилари ўз фан йўналишлари бўйича ишлаб чиққан 11 та ўқув режаси ва 46 та дастур республикадаги касб-ҳунар коллежига қўлланиш учун тавсия этилди.

Бундан ташқари, ҳар йили инновация бўлими томонидан илғор педагогик технологиялар фестивали, яъни ноанъанавий дарс услубларига оид маърузалар, кўргазма воситалар, тажрибалар кўргазмаси ўтказилади. Бу тадбир илғор тажрибаларни оммалаштиришда жуда муҳим амалий восита бўлмоқда.

— Янги педагогик технологиялар қўлланилишининг самараси қандай бўляпти?

— Энг аввало, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг фаоллиги ошаяпти. Ўқувчининг мустақил ишлаши, фикрлаши, билимларни ўзлаштириши, эркин изланишига имкон берилаётир. Ўқитувчи бу жараённи бошқаради, ўқувчининг билимини мустаҳкамлайди ва назорат қилади, холос. Янги педагогик технологияларнинг самараси вилоятдаги касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларининг фан олимпиадаларида, кўрик-танловларда, мусобақаларда эришаётган натижаларида яққол кўринади.

Янги педагогик технологиялар самараси

— Таълим тизимида янгиланиш бошланди. Аммо жиддий муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни қандай бартараф этиш мумкин?

— Ҳар қандай жараён инсон меҳнати туфайли амалга ошади. Бинобарин, шу меҳнат орқасидан инсон етарлича манфаатдор бўлиши, унинг эҳтиёжлари қондирилиши керак. Шундагина ўқитувчи турмуш ташвишларидан юқорироқ туриб изланади, янгиликлар яратади. Ана шундагина таълимнинг таълимдан фарқи бўлади. Акс ҳолда лоқайдлик исканжасида қолиб кетиши ҳеч гапмас. Ҳукуматимиз таълимга биринчи даражали эътибор бераётган экан, келажак соҳиблари бўлган ёшлар камолоти учун ҳеч нарсани аямаслик, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашимиз керак.

Суҳбатдош:
Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистонда тўқимачилик ва енгил саноатни мустаҳкам техник негиз асосида ривожлантириш йўлида кўрилаётган тадбирлар ўз ижобий натижаларини бермоқда. Толаларни дастлабки ишлаш технологиясини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам амалий аҳамият касб этмоқда.

ЧИҚИНДИДАН МАТО

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти лаборатория ва кафедралари шу соҳада корхоналар билан яқин ҳамкорлик ўрнатишди. Бу самарали алоқалар мамлакатимиз техника ва технология салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

— Кейинги йилларда олий ўқув юрти олимлари яратган технологиялар халқ хўжалигига катта иқтисодий фойда келтирди, - дейди институт профессори Ҳамидулла Турсунов. - Паст навли пахта толаси ва чиқиндилардан нотўқима мато олиш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган изланиш ҳам истиқболли деб топилди. Шу тадқиқот республикамизда пахта саноатини замонавий техника воситасида ривожлантиришга ёрдам беради.

«Пахта толаси намлигини ошириш технологияси», «Пахта тозалаш саноатида ҳаво ёрдамида ташиш қувурларининг иш унумини ошириш» деган тадқиқотлар ҳам эътиборни ўзига тортади. «Пахта ташувчи қувурларда ҳаво тезлигини ўлчаш» деган изланиш эса шу йўналишдаги тадқиқотларнинг давоми бўлди.

Ислоҳот одимлари

«Тайёрлов корхоналардаги технологик қурилмаларнинг пахтанинг табиий хусусиятларига таъсири», «Механизмли юритмаларни компьютер ёрдамида лойиҳалаш» деб номланган тадқиқотлар пахта тозалаш саноати учун янгилик бўлди.

Маҳаллий жундан пневмомеханик усул билан олинган ипларнинг таркибий тузилиши деган изланиш пиллачилик саноати технологиялари қаторидан ўрин олди. Бундан ташқари, институт олимлари муҳитда «Иссиқлик тарқалиш масаласини компьютер воситасида ечиш» деб номланган тадқиқот ҳам мутахассисларнинг ижобий баҳосини олди.

Олий ўқув юрти негизида «Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — пахта тозалаш, тўқимачилик ва енгил саноатнинг ривожланиш асоси» деб номда ўтказилган ҳамда истиқлолимизнинг 10 йиллигига бағишланган республика илмий-амалий конференциясида бу каби самарали тадқиқотлар тўғрисида қизиқарли маърузалар тингланди.

Акбар АЛИЕВ.

МЕҲНАТ - РОҲАТ

«Андижонвилоятавтойўл» ҳиссадорлик бирлашмаси ишчи-хизматчилари «Буюк ипак йўли» қурилишида фаол иштирок этишмоқда. Шу кунларда улар қайта тикланаётган қадимий йўлнинг кўприкларини таъмирлаш ва кенгайтириш ишлари билан бандлар. Биргина «Тошкент-Ўш» йўлининг 343-километридаги катта Фарғона канали кўпригини кенгайтириш ва узайтиришда 65 миллион сўмлик қурилиш пайвандлаш ишлари амалга оширилди.

Бирлашма касаба уюшма қўмитаси йўлсозларни ҳар томонлама рағбатлантириб, руҳлантириб бориш чораларини кўрмоқда. Жумладан, касабақўм яқинда ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда меҳнат фахрийлари учун бепул саёҳат уюштирди. Саёҳатчилар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, буюк алломалар қабрларини зиёрат қилиб қайтдилар.

М.АБДУКАРИМОВ.

«Жарқўрғонтола» ҳиссадорлик жамияти вилоятда етиштирилган пахтани қайта ишлаш корхоналарининг толаларини сақлаш ва жўнатиш ишларини ўз зиммасига олган. Айни пайтда тўрт ярим минг тонна пахта толаси хорижий мамлакатларга жўнатилмоқда. Шунингдек, Швейцария, Италия, Жанубий Корея мамлакатларидан ҳам Сурхон толасига буюртмалар тушмоқда.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Р.АКБАРАЛИЕВ
олган суратлар.

Жамоа шартномаси амалда

ИШЧИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоа шартномаси ёлланма ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишнинг бирдан-бир механизмидир. Шуниси қувонарлики, республика касаба уюшма ташкилотларида бу муҳим ҳужжатга бўлган муносабат тубдан ўзгармоқда.

Тошкент шаҳар «Булоқ» ЛТД қўшма корхонаси ташкил этилганига салкам 3 йил бўлган бўлса-да, бажарилаётган ишлар салмоқлидир. Ўтган йилнинг ўзида 8 та цехда 158 миллион 307 минг сўмлик ишлар бажарилди. Айниқса, маҳсулотларни қадоқлаш, кондитер, тикув, сабзавот ва меваларни қуритиш, нон ва макарон ишлаб чиқариш цехлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар сифати, ҳажми жиҳатидан, харидоргирлиги билан алоҳида ажралиб турибди. Шу боис маҳсулотларга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

Бу ерда ишлаётган ишчиларнинг ярми II ва III гуруҳ ногиронларидир. Уларнинг ҳуқуқлари жамоа шартномаси орқали ҳимоя қилинмоқда. Корхона раҳбари Миркамол Ғуломов жамоа шартномасининг бажарилиши тўғрисида умумий йиғилишда ҳисобот берар экан, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоянинг ҳар бир банди касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда бажарилаётганлигини таъкидлади.

Ҳисобот даврида қўшма корхона ходимларига 493050 сўм моддий ёрдам берилган бўлса, 315537 сўмлик маҳсулот эса бепул тарқатилган. Ҳар бир байрам тадбири ишчиларни рағбатлантиришсиз ўтмайди. Уларнинг даволанишлари ва дори-дармонлар билан таъминланишлари ҳам корхона ҳисобидан. Булардан ташқари, молиявий имкониятдан келиб чиққан қўшма корхона ўтган йили вилоят «Наврўз» жамғармасига, Ўзбекистон «Кўзи ожизлар», «Меҳрибонлик» жамиятларига, «Хофиз Кухакий» маҳалласига ва шунга ўхшаш бир қатор ёрдамга муҳтож ташкилотларнинг ҳисоб рақамларига 723340 сўмлик ёрдам пули ўтказиб берди.

Касабақўм раиси Валентин Шефир жамоа шартномасининг ҳар бир бандига тўхталиб, алоҳида-алоҳида изоҳ берди. 8 бўлимдан иборат бўлган шартнома қисқа бўлса-да, лекин мазмунли, барча бандларининг асосий қисми меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг ишлаш ва дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, болалар оромгоҳи йўлланмасини бепул қилиш, моддий ёрдам бериш ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан имтиёзли таъминлашни кўпайтиришга қаратилган.

О.САИДОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҲУЖЖАТЛАР БЕНУҚСОН БЎЛСИН

Нуқтаи назар

Ўзбекистон Президентининг хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисидаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори асосида туман ҳокимликлари қошида ишчи комиссиялари тузилган. Уларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган юридик шахслар томонидан тайёрланган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ўз хулосаларини бериш вазифаси юклатилган.

Равшанки, тегишли ҳужжатларни бенуқсон, талаблар даражасида тайёрлаб, тақдим этиш учун унинг эгалари ҳуқуқий саводхон, мавжуд қонунларимиздан хабардор бўлишлари даркор. Худди шу нарса баъзи жойларда кўнгилдагидек бўлмаганлиги учун ҳужжатларда камчиликлар, ноаниқликларга йўл қўйилмоқда. Боз устига туман ҳокимликлари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишда қусурлар мавжудлиги ташвишланарли ҳолдир. Масалан, Жиззах туманидаги «Шоҳ-Жаҳон», «Азим-С», «Суҳроб», «Баҳриддин», «Ҳамроқул Ота» сингари фермер хўжаликлари ҳамда хизмат кўрсатиш кичик корхоналарини рўйхатдан ўтказишда улардан ариза, яъни ёзма мурожаат хати талаб қилинмаган.

Жиззах тумани ҳокимининг қарори билан «Бек-98», «Заргар», «Босим ака», «Сойиб» каби фермер хўжаликларига муайян миқдордаги майдон ижарага берилиши кўрсатилган. Лекин, негадир тадбиркорларга ердан фойдаланиш муддати аниқ кўрсатилмаган. Кузатишлар яна шуни кўрсатдики, хўжалик юритувчи субъект аъзоларининг шахсий хўжаликни ташкил этиш, унинг низомини ишлаб чиқиш ҳақидаги, фермер хўжалиги раисларини сайлаш тўғрисидаги баённомалари йўқ. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 53-моддаси талаблари қатор жойларда бажарилмаётир.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш, лоқайдлик, ўзибўларчиликка йўл қўйган ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш, тегишли чора-тадбирлар белгилаш юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан Жиззах туман ҳокимига тақдимнома киритилди.

А.АБДУРАИМОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси бўлим мудири.

«ОҚТОШ» ЧИРОЙИ

Ғарбий Тянь-Шан тизма тоғларининг пастки қисми, кенг баргли ўрмонзорлар қисмида жойлашган «Оқтош» санаторийси ўзининг мўътадил мусаффо ҳавоси, беқиёс манзаралари билан нафақат республикамиз аҳли, балки хорижликларнинг ҳам эътиборини ўзига тортиб келаётгани бежиз эмас. Сиҳатгоҳ атрофидан оқиб ўтувчи Оқтош ва Айиқсойнинг зилол сувларидан ҳосил бўладиган табиий гидронланиш нафас йўллари хасталанган беморлар учун ҳаётбахш неъмат ҳисобланади.

Мен Қримнинг Ялта, Мисхор, Кавказнинг машҳур дам олиш масканлари, Кисловодск санаторийларида бўлганман, лекин жаннатмакон диёримизнинг «Оқтош»и бошқача.

Гарчанд шу атрофларга дўстларим билан бир неча марта келиб қисқа муддатли дам олиб кетган бўлсам-да, йўлланма билан биринчи бор даволанишим. Дастлабки таассуротим янги даволаш корпуслари, оилавий люкс коттежлари барпо этилгани билан боғлиқ бўлди. Айниқса, коттежлар бежиримлиги, қулай шароитлар яратилгани, тиббий хизмат ибратли йўлга қўйилгани билан ҳаваслантиради кишини.

Турли хил замонавий муолажалардан баҳраманд бўлиш, бўш пайтларда кутубхонадан фойдаланиш, биллиард ўйнаш, видеофильмлар томоша қилиш, пойтахт ва Бўстонлиқ туманининг диққатга сазовор жойларига сайр қилиш, тез-тез ташкил қилинадиган маданий-оммавий тадбирлар иштирокчиси бўлишдан олган таассуротлар узоқ вақт ёддан кўтарилмаса керак. Шифокорлардан Азиза Исроилова, Малика Рўзматова, ҳамширалардан З.Абдураҳимова, З.Набиева, Г.Деҳқонова, гиёҳлар билан даволовчи М.Исроилова сингари инсонларнинг одамохунлиги, меҳр-оқибатлилиги, ширинсуханлиги биз каби даволанувчилар дардига малҳам бўлди.

Дард ботмонлаб келиб, мисқоллаб кетар экан. Шу боис, халқимиз орасида «Бойликнинг боши — соғлиқ» деган нақл бекорга юрмайди. Тўғрисини айтсам, мен бу ерга даволанишка келганимда, ҳатто асал ҳам бемаза бўлиб туюларди. Орадан бир ҳафтача вақт ўтгач, анча ўзимга келдим. Шифокорларнинг тўғри, аниқ ташхис қўйиб даволаганликлари, айрим камёб дори-дармонларни ҳам топиб берганликлари боис, бу ерда мен ўзим ўйлагандан ҳам яхшироқ даво олдим. Янги дўстлар орттирдим. Доимий ҳамроҳим бўлган наманганлик Ҳ.Самадов билан бирга табиат қўйнига — тоғ ўрмонларига сайрга чиқдик. Шовуллаб оқаётган катта сой, устига қурилган чойхона каравотида чойлашиб ҳузур қилдик. Хайр-хўшлашиш куни ундан сўрадим:

— Мириқиб дам олиш учун водийдан ўтадиган жой йўқ. Лекин бу ерга келишингизнинг боиси нимада?

— Менинг касаллигимга фақат шу ернинг ҳавоси шифо бўла олади. Нафас олиш йўлларини қаттиқ шамоллатганман. Ҳар йили бир марта даволаниб кетаман. Олган муолажаларим қуввати йил давомида бир маромда ишлашимга етади.

У ҳақ гапни айтди. Зеро, отабоболаримиз ҳам саломатликни мустаҳкамлаш, узоқ умр кўришда зилол сув, мусаффо ҳавонинг ҳал қилувчи аҳамияти хусусида кўп гапиришган.

Ўз миннатдорчилигимизни билдириш мақсадида санаторий бош ҳакими билан учрашганимизда бизни бошқа шифокорлардек илтифотли кутиб олди. Дил изҳоридан ташқари, баъзи фикр-мулоҳазаларимизни ҳам айтдик. Ўрмонбой Тўлаганов гапимизни охиригача эшитди-да, мийиғида жилмайиб, шундай деди:

— Ҳа, тўғри айтдингиз. Табиий газ жуда зарур. Шунинг учун республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бу масала билан яқиндан шуғулланмоқда. Федерациянинг капитал қурилиш бошқармасига тегишли кўрсатмалар берилган. Шуларга мувофиқ газлаштириш билан боғлиқ тадбирларга 22,5 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Айни пайтда 5,6 километрли масофадан газ қувурлари тортиб келинмоқда. Бошқарма масъул вакилларининг айтишларича, санаториймиз жорий йилнинг иккинчи ярмигача



газлаштириб бўлинади.

— Канализация тармоғини қуриш ҳам кўзда тутилганми?

— Албатта. Санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиниши шарт бўлган даволаш масканини усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Канализация тармоғи келгуси йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Ҳозир лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Шунингдек, очиқ бассейн қурилиши, ногиронлар учун 50 ўринли ётоқхона ҳам барпо этиш кўзда тутилмоқда. Янги даволаш корпуси — тўрт оилага мўлжалланган 8 ўринли люкс коттежи хизматидан эса кўпчилик мамнун.

Ҳа, Сойлиқ қишлоғида жойлашган «Оқтош» санаторийси йил сайин даволанувчиларга энг қулай шарт-шароитларни яратиб бериш борасида ибратли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Бинобарин, республикамиз турли бурчакларидан бу ерга келиб даволанишни хоҳловчиларнинг талаб-истаклари ҳам шуни тақозо этади.

Қодир НОРИМОВ,
меҳнат фахрийси.

Касаба уюшма сиҳатгоҳларида

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури амалда

Абу Райҳон Беруний номли Муборак саноат касб-ҳунар коллежига қадам қўйган киши ўзини катта дорулфунунга кириб қолгандай ҳис қилади. Китоб мармари билан сайқалланган ўқув корпуси, ҳозирги замон андозаларидаги компьютерлар ва кўргазмали ўқув қуроллари билан жиҳозланган синф хоналар киши диққатини ўзига тортади.

УЛАР «ШЎРТАНГАЗ»ДА ИШЛАЙДИЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва улар фаолиятини бошқариш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Қашқадарё вилояти нефт ва газ саноати тармоқларига малакали кичик мутахассислар етказиб бериш мақсадида Муборак техника иқтисодиёти коллежи базасида ўтган йили саноат касб-ҳунар коллежи ташкил этилди.

Қисқа муддатда 900 ўринли ўқув биноси, 150 ўринли талабалар ётоқхонаси, ишлаб чиқариш таълими устахонаси таъмирланиб давр талаблари асосида қайта жиҳозланди.

Коллеж жамоаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» талабларидан келиб чиқиб, ўқув ва маънавий-тарбиявий жараённи оқилона ташкил этиш чораларини кўрмоқда. Унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, талабаларнинг чуқур билим олишлари учун қулайликлар яратилди. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш маъмурият ва касаба уюшмасининг эътиборида турибди.

Тугалланаётган ўқув йилида коллежда бир неча йўналиш бўйича 250 нафар талаба билим олаяпти.

Ўқув лабораториялар ва фан кабинетлари зарур жиҳозлар билан таъминланган. Х.Рустамова, Т.Ҳасанов, С.Алиев, У.Тўраев, Р.Қодиров, А.Нурматов, Р.Каримов каби устозлар дарсларни амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бормоқдалар. Педагоглардан Гулнора Эрназарова, Панжи Маҳмудовлар Жанубий Корея Республикасида бўлиб, ўз малакаларини ошириб қайтдилар.



Мавжуд 24 та компьютер талабалар ихтиёрига бериб қўйилган. Барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари рейтинг жадвали асосида назорат ва таҳлил қилиб борилмоқда.

Ўқув юртида педагогларнинг билим ва малакасини оширишга жиддий аҳамият берилмоқда. Коллеж директори Олим Хайруллаев олий тоифали математика ўқитувчиси. Ҳозир Муборак нефтни қайта ишлаш корхонаси мисолида «Нефт ва газни қайта ишлаш тармоғида асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишни моделлаштириш» мавзусида илмий иш олиб бораяпти.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва фанлар бўйича тўгараклар ташкил этилган. Кутубхонада 14 мингга яқин дарсликлар ва бадиий адабиётлар мавжуд.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш раҳбари, заҳирадаги лейтенант Баҳодир Раҳмонов талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Ўқув юртида ҳарбий таълим хонаси, қишки ва ёзги спорт саройи ҳамда майдончалари бўлиб, бу ерларда машғулотлар мунтазам ўтказилиб турилибди.

Ўқув ишлаб чиқариш таълими устахонаси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. У республикамизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Талабаларнинг назарий билимларини амалда қўллаш ва синаш мақсадида вилоят ва тумандаги саноат корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Ёшлар вилоят автотранспорт бош бошқармаси, Косон шаҳридаги 21, Муборакдаги 101-очиқ ҳиссадорлик жамиятлари каби корхона ва ташкилотларда тажриба жараёнларини ўтайдилар.

Умуман олганда, чўлдаги йирик ўқув маскани бўлган бу касб-ҳунар коллежи вилоят саноати учун билимли ва иқтидорли ёшларни тайёрлаш масканига айланиб бормоқда.

ЁЛҚИН.

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ота-онаси йўқ 450 нафардан ошиқ бола ўзларининг анъанавий байрамини Тошкентдаги «Зарафшон» концерт залида нишонлайди. Ҳар жиҳатдан қулай автобуслар болаларни Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилоятларидан Тошкентга олиб келади. Пойтахтлик болалар - байрамнинг ўзига хос мезбонлари бу ерга биринчи бўлиб етиб келишади.

Уларни байрам муносабати билан севимли китоблар ва мультфильмлар қаҳрамонларининг кийимларини кийиб олган «Зарафшон» ресторани официантлари кутиб олиб, болаларни яхна ичимликлар, бутербродлар, конфетлар ва пирожнийлар билан меҳмон қилади.

Шундан сўнг, Ўзбекистон ёшлари театри артистлари ҳамда ўзбек эстрадаси юлдузлари - Райҳон Ғаниева, Кумуш Раззоқова, Андрей Петровец, «Фирдавс» гуруҳи қўшиқчилари, Мансур Тошматов, Равшан Собиров ва бошқалар ўз чиқишлари билан болаларни хушнуд этади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ - ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тошкент Давлат юридик институти қошидаги ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази томонидан «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили /Омбудсман/ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳ» деб номланган янги рисола чоп этилди. Унда Омбудсманнинг ҳуқуқлари ва ваколатлари, фаолият йўналишлари, шунингдек, амалдаги қонунчилик нормалари, инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг беш йиллик иш тажрибаси ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Рисола олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

(ЎзА).

Газетхон илтимосига кўра

Ўзбекистон энергетикаси республика халқ хўжалиги мажмуининг ўзак соҳаларидан бири бўлиб, иқтисодиётимиз ва техника тараққиётининг мустаҳкам асоси ҳисобланади. Энергетика тизимида рўй бераётган жараёнлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ҳам таъсир этади. Бу ўз навбатида энергетикларимиз зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди.

МАРКЕТИНГ БОШҚАРУВИ

Бугунги кунда энергетика тизими корхоналари барча соҳа истеъмолчиларини, шунингдек, аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаб келмоқда. Бироқ мамлакатимизда шаклланаётган бозор муносабатлари барча хўжалик юритувчи субъектлардан, шу жумладан, энергетика тизими корхоналаридан иш юритишда, бошқарувда самарали натижаларга олиб келувчи механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни талаб қилмоқда. Шу маънода, мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 22 февралдаги Фармонида, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 24 февралдаги 93-сон қарорида энергетика тизими корхоналарини монополиядан чиқариш, хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларини ривожлантириш, тизимда бошқарувни янада такомиллаштириш, соҳа ривожига хорижий инвестицияларни жалб этиш бош мақсад қилиб белгилаб берилган. Бу мақсадларни амалга оширишда мавжуд ички резервлардан омилкорлик билан фойдаланиш асосий вазифалардан бири бўлмоғи лозим. Бу борада бошқарувда энг илғор услублардан бири - маркетинг тизимини жорий этиш айниқса муҳимдир.

Ҳозир республикамиз корхоналарида маркетинг бошқаруви услубидан фойдаланиш ривожланиб бормоқда. Чунки ҳар қайси корхона қандай маҳсулот тайёрлашидан қатъи назар, бозор талабидан келиб чиққан ҳолда истеъмолчи эҳтиёжини самаралироқ қондиришга, кўпроқ фойда олишга интилади. Айниқса, ижтимоий-этик маркетинг концепцияси тамойилларининг корхоналар фаолиятига татбиқ этилиши нафақат истеъмолчи, балки жамият фаровонлигини ошириш имкониятини ҳам беради. Маркетинг тизимининг моҳияти ўзига хос хусусиятга эга. Биринчидан, бу тизим бозор конъюктураси ўзгаришини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқарувчи фаолиятига таъсир кўрсатади. Иккинчидан эса бозорга таъсир этиб, истеъмолчиларнинг хоҳиши, талаби ва эҳтиёжлари шаклланишини таъминлайди.

Энергетикада маркетинг тизимининг жорий этилиши ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва давлат манфаатлари муштараклигини таъминлайди. Бу эса энергетика корхоналари манфаати устуворлиги, уларнинг мўътадил ривожланишига ва пировард-натижада иқтисодиётимиз бошқа соҳаларининг бир маромда ишлашига имконият яратади.

Энергетика корхоналарининг маҳсулоти бўлган электр энергияси ўзига хос хусусиятга эга. У бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилади, тақсимланади ва истеъмолчиларга етказиб берилади. Шу боис, энергетика корхоналарида бошқа соҳалар амалиётида бўлган маркетинг тизимини бевосита жорий этиб бўлмайди.

Энергетика маҳсулоти бозори ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда.

Энергетика бозори асосан бир маҳсулот - электр энергиясидан иборат. Уни бошқа энергия турлари билан алмаштириш имконияти деярли йўқ. Мазкур тизим корхоналари фаолиятини бозор муносабатлари омиллари таъсирисиз тасаввур этиш қийин. Бу маркетинг тизими элементлари соҳа корхоналарининг бозор муносабатларига акс таъсир қуроли сифатида намоён бўлади.

Ш.ПЎЛАТОВ,
Д.ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари.

(Давоми бор).

OLAMDA

Ўтган ҳафта бошларида Исроил жанговар ҳаракатларни тўхтатган эди. Фаластин хавфсизлик хизмати раҳбари Абдураззоқ ал-Мажиднинг айтишича, бу қарор қисқа вақт ичида 96 бор бузилган. Ал-Мажид Исроилни ўт очишни тўхтатиш ҳақида баёнот бериб, халқаро ҳамжамиятни алдаётганликда айблади. Аслида яҳудийлар босқини ҳар куни давом этмоқда, деди у.

* * *

АҚШ тазйиқига қарамай, НАТОга аъзо мамлакатлар алянсининг Босния ва Герцеговинадаги қўшинини ҳозирча қисқартирмасликка қарор қилди. НАТОнинг Европадаги бирлашган кучлари бош қўмондони генерал Жозеф Рэлстоннинг айтишича, бунинг учун ҳали вақт бор.

Оқ уй раҳбарияти Босния ва Герцеговинада АҚШ ҳарбийларини сақлаб туриш учун йилига 1,5 миллиард доллар сарф қилинаётгани учун уларни беш юз кишига камайтиришни режалаштиряпти. Бироқ у ерда қоладиган 3100 ҳарбий ҳам кўплик қилади, демоқда америкалик баъзи расмийлар.

АҚШда майнинг охирги душанбаси Хотира куни сифатида нишонланмоқда. Америкаликлар жанговар ҳаракатларда ҳалок бўлган ватандошларини хотирлаш билан бирга, урушлардаги ғалабаларини ҳам нишонлаяпти.

Хотира кунида АҚШ президенти Жорж Буш Вашингтон яқинидаги Арлингтон миллий қабристонидаги номаълум аскар қабрига гул қўйди.

* * *

Лена дарёси тошиши натижасида Ёқутистон Республикасига (Россия) 7,5 миллиард рублга яқин зарар етди. Табиий офат оқибатларини тугатиш ва тиклаш ишларини ташкиллаштириш бўйича ҳукумат комиссияси шундай рақамларни келтирди.

Хабарларга қараганда, тошқиндан республиканинг 17 тумани зарар кўрган.

* * *

Гаагада коррупцияга қарши кураш бўйича иккинчи халқаро анжуман бошланди. Унга 180га яқин мамлакатнинг тегишли идоралари раҳбарлари таклиф этилган. Тадбирда коррупцияни тугатишда халқаро ҳамкорлик, ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилади.

* * *

АҚШ 1972 йилда имзоланган ракетадан мудофаа тўғрисидаги шартномани бузмаслиги керак. Сенатдаги демократлар етакчиси Томас Дэшл «Эн-би-си» телекомпаниясига интервюда шундай деди. Унинг айтишича, президент Жорж Бушнинг ракетадан мудофаа тизими яратиш тўғрисидаги қарори шошма-шошарлик билан қабул қилинган. АҚШ бунга ҳали тайёр эмас, деди Т.Дэшл.

* * *

Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида юз берган довул 16 кишининг умрига зомин бўлди. Хабарларга қараганда, сув тозалаш цехининг 9 ишчисини кучли шамолдан қулаб тушган том босиб қолган, уч кишини яшин урган.

* * *

Филиппиндаги «Дос-Палмас» курортида жангарилар 20 кишини, жумладан, уч хорижликни гаровга олди. Хабарларга қараганда, улар Палаван ороли яқинидаги оролчалардан бирида ушланиб турибди. Филиппин президенти Глория Аррайо тутқунларни пул эвазига озодликка чиқариш таклифини рад этди ва ҳарбийларга жиноятчиларни тутиш чораларини кўришга буйруқ берди.

* * *

Борис Елцин Хитой раҳбари Цзян Цзэминнинг меҳмони сифатида дам олиш учун ушбу мамлакатга келди. У Ц.Цзэмин билан учрашувдан сўнг Сариқ денгиз соҳилидаги Далян шаҳрига йўл олади ва шу ерда халқ табобати анъаналарига асосланган соғломлаштириш дастури бўйича даволанади.

* * *

«Тайм» журнали ва «Си-эн-эн» телекомпанияси ўтказган сўров АҚШ президенти Жорж Буш учун нохуш натижа билан тугади. Тадбирда қатнашганларнинг 50 фоизи Жорж Буш 2004 йилда ҳам президент сайловига ўз номзодини қўйса, унга овоз бермаслигини маълум қилди. Шунингдек, америкаликларнинг 42 фоизи мамлакатда энергетика муаммоларини ҳал қилиш борасида Оқ уй кўраётган чора-тадбирлар иш бермаяпти, деб ҳисобламоқда.

* * *

Японияннинг янги Бош вазири Дзюнитиро Коидзуми аҳоли орасида обрўйининг баландлиги бўйича барча рекордларни синдирмоқда. «Майнити» газетаси ўтказган сўровдан маълум бўлишича, японияликларнинг 87 фоизи унга хайрихоҳ. Улар янги Бош вазир мамлакатда кенг кўламли сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш тўғрисидаги ваъдасини бажаришига ишоняпти.

(ЎзА).

NIMA GAP

Назм бўстони

ФАРЗАНДИМ

Фарзандим-дилбандим, кўзим
қароси,
Умримнинг давоми, танга дармоним.
Ҳаётимга бахту тўкислик бердинг,
Сен борсан, қолмагай дилда
армоним.

Улуғдир фарзанднинг чин муҳаббати,
Ундан пастда қолур хоқонлар тахти.
Фарзанддир ота-ю онанинг бахти,
Ўзингсан қанотим, жону-жаҳоним.

Мард боболар босган тупроқ
муқаддас,
Дерлар: Суягини султон хўрламас.
Жасур Жалолиддин сен учун ҳавас,
Фарзандим, эркимсан, сенсан
паноҳим.

Сенсиз бу дунёда қувонч-шодлик йўқ,
Болалик мулкидек бир подшолик йўқ.
Дилдору дилкашлик, чин ошнолик
йўқ,
Фарзандим-дилбандим, суянган
тоғим.

ТАБАССУМ

Атиргул очилиб, бўлса соз ҳаво,
Булбуллар айлагай хушҳол сарнаво.
Дилимда ёнади ёлғиз муддао:
Сенинг табассуминг, эй, дилрабо!

Оламни яшнатса ёғду-ла офтоб,
Самони тўлдирар илтижо-хитоб:
Гулгун чеҳра — васлинг ягона
матлаб,
Сенинг табассуминг, эй, моҳитоб!

Шодон қарашларинг жонимга роҳат,
Даркор эмас менга давлат, тожу
тахт.
Жамолингни кўрмоқ ўзи олий бахт,
Сенинг табассуминг, эй, малоҳат!

Азиз умринг ўтар-ғанимат ҳар дам,
Киприкларинг, дейман, кўрмасин ҳеч
нам.
Сендан йироқ бўлсин қайғу-алам,
ғам,
Табассуминг дардга малҳам, эй,
санам!

Яхшилик меҳрдан ҳаёт муаззам,
Поклик, иймон ила буюкдир одам.
Ибратинг зўр вафо, гўзалликда ҳам,
Табассуминг иқбол, эй, маликам!

МАЛАК СИЙМОҒА

Лабларингни гилос дедим,
Боққа кириб гилос едим.
Ўхшаши оз, қай бири мос:
Гилосингнинг холлари кўп,
Лабларингнинг боллари кўп.

Кўзларингни чарос дедим,
Узумзордан чарос уздим.
Ўхшаши оз, қиёси кўп.
Чаросингнинг қароси оз,
Кўзларингда ажиб бир ноз!

Юзларингни олма дедим,
Олмазорни гирён кездим.
Ўхшаши оз, қиёси кўп,
Олмаларнинг жилоси оз,
Юзларингнинг шуъласи соз!

Қадди-бастинг сарв дедим,
Сарвзорда сайр этдим.
Ўхшаши оз, қиёси оз,
Сарвларнинг қалови кўп,
Вужудингнинг олови кўп.

Қанча излаб, мен толмадим,
Қиёсингни тополмадим.
Ўхшаши оз, қиёси кўп,
Муҳаббатнинг давоси роз,
Неъматжондек гадоси оз.

Неъмат ЁҚУБОВ.

Ўқув юртлари, маҳаллалар ва жамоаларда Қуролли Кучларимиз фахрийлари, уруш қатнашчилари, элу юрт эътиборини қозонган замондошларимиз билан ўтказилган учрашувларда ёшларимиз қалбида аскарликка ҳавас ҳисси тобора ошиб бормоқда.

Миллий армиямиз сафларини жисмонан соғлом ва руҳан тетик аскарлар билан тўлдириш мудофаа ишлари бўлимлари зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Ҳарбий хизматга соғлом ва бақувват йигитларни саралаб олишда Фарғона шаҳар Мудофаа ишлари бўлимида ҳам қатор самарали ишлар амалга оширилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бу муҳим ишда кўмакка келди. Чақирилувчиларни жиддий назоратдан ўтказиш учун юқори малакали шифокорлар жалб этилди.

Зеро, халқимиз ва ҳукуматимиз ишончини оқлаш Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишни шараф деб билган ҳар бир соғлом ва бақувват йигитнинг азалий орзусидир.

Суратда: шифокор Дилфуза Мухторова.
Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

БОЛАЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

Болалар ҳаётини янада яхшилаш, уларни ҳимоялаш мақсадида шу кунларда бутун дунёда «Болалар учун овоз беринг» шиори остида Халқаро ҳаракат ўтказилмоқда. Оналар ва болалар йили ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ушбу ҳаракат тадбирлари доирасида мамлакатимизда, жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам Болалар ҳимояси ҳафталигини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Ҳафталик ўтказиладиган 1-7 июн кунлари концерт дастурлари, болалар оромгоҳларида сайллар, болалар ижодиёти кўргазмалари ўтказиш, етим ва ногирон болалар аҳволидан хабар олиш, маҳаллаларда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция бўйича тренинглар, спорт мусобақалари уюштириш кўзда тутилган. Шу кунлари «Болалар учун овоз беринг» Халқаро ҳаракат тадбирлари ҳам амалга оширилади.

(ЎзА).

АЁЛ ТАВСИФИ

Андижонда «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб, «Юртимнинг кўркидир ўзбек аёли» кўрик-танлов бўлиб ўтди. Маданият ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси ва вилоят 2-болалар кутубхонаси зиёкорлари ташаббуси билан уюштирилган бу тадбирда ўзбек оғзаки ва ёзма адабиётида она образи, ўзбек шоиралари, Шарқ аёлининг фазилатлари, ҳаётимизда китобнинг ўрни сингари мавзуларда ўзаро баҳс юритилди.

Ҳакамлар Қ.Азимова, Х.Исроилова, Х.Розиқова каби кутубхоначилар танлов ғолиби бўлганлигини эълон қилишди.

Биласизми?

Лавр (дафна) барги ишлатилмайдиган хонадон камдан-кам учрайди. Чунки, қуритилиб қуюқ-суюқ овқатларимизга солинадиган лавр барги таомни янада хушхўр, хушбўй ва татимли қилади.

ЛАУРЕАТ «ЛАВР»ДАН ОЛИНГАН

Одамлар лаврни қадим замонларда ҳам қадрлашган. Унинг лотинча лаурус дейилиши, яъни ҳамиша ям-яшил баргли, таҳсинга сазовор ўсимлик маъносини англатиши ҳам бежиз эмас.

Қадимги Рим ва Юнонистонда лавр баргидан ясалган чамбарак ғалаба рамзи бўлиб, у билан истеъдодли шоир ва нотиқлар тақдирланган. Масалан, машҳур математик ва файласуф Пифагор атлетика мусобақаларида қатнашиб, муштлашиш жанги бўйича олимпиада ўйинларида ғолиб келгани учун у дафна дарахтининг барглaридан ясалган ғалаба тожини икки марта олиш шарафига муяссар бўлган.

Ҳозирда фан, санъат ёки халқ хўжалиги соҳасидаги катта хизматлари учун бериладиган олий мукофот эгаларигина аталувчи «лауреат» сўзининг ўзаги ҳам «лавр»дан олинган.

Куёв:
Бахтимнинг баҳори,
махзани бўл сен,
Дилимнинг гавҳари,
замзами бўл сен,
Умрим йўлларини
сен-ла боғладим,
Бу далли кўнглимнинг
малҳами бўл сен.

Келин:
Аҳд этдим: вафодор
бўлгайман абад,
Мендадир садоқат,
менда саодат.
Муҳаббат қасрини
қургаймиз бирга,
Нурли манзилларга
етгаймиз, албат.

ШАҲРИЁР

Буюк соҳибқирон Амир Темур камол топган, «илму-адаб қуббаси» деб эътироф этилган Шаҳрисабз ўзининг бетакрор гўзаллиги, қадимий осори-атиқалари билан дунёга донг таратган.

ШАРҚ МЎЪЖИЗАСИ

Аждодлар армони, маданияти ва санъатини ўзида мужассам этган Оқсарой ҳамон мафтункор ва гўзал

У Қашқадарёнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий марказларидан биридир. Улуғ бобомиз номидаги орден билан тақдирланган бу қадим шаҳарда бунёд этилган обидалар Миср, Греция ва Римнинг меъморчилик иншоотларидан қолишмайди.

Пештоқига «Агар бизнинг кучқудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ» деган битиклар ёзиб қўйилган Оқсарой ўтмиш аждодларимиз яратган мўъжизалардан ҳисобланади.

Оқсарой мажмуи XIV-XV асрлардаги ёдгорликлар орасида энг йирик ва нодир обидалардан саналади. Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида 1380-1404 йиллар мобайнида қурилган бу кошона салобатлилиги, баландлиги, ўлчамларининг яхлитлиги ва жозибаси билан мислсиздир.

— Шаҳрисабзни ЮНЕСКОнинг ёдгорлик шаҳарлари қаторига киритилганлиги қувончимизга қувонч қўшди, - дейди биз билан суҳбатда шаҳардаги Амир Темур маданият музейи директори Набижон Хушвақтов. - Демак, эндиликда халқаро ташкилотлар ва кенг жамоатчилик кўмаги билан Шарқ меъморчилигининг дурдоналаридан ҳисобланган Оқсаройга эътибор янада ортади.

Набижон она юрт тарихи ва тараққиёти учун фидойи инсонлардан. Унинг саъй-ҳаракатлари билан шаҳардаги ёдгорликлар, жумладан, Оқсарой тарихини ўрганиш бўйича кўп иш қилинди.

Айни кунларда Амир Темур майдони ва Оқсарой меъморий ёдгорлигини қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш тадбирлари давом этмоқда.

...Манбаларда ёзилишича, Амир Темур Хоразмнинг маркази Урганчни қўлга киритгач, ишга яроқли барча одамларни Хоразмдан Мовароуннаҳрга кўчириб, Кеш шаҳрига жойлаштириш ҳақида фармон беради. Тарихчи олим Шарафуддин Али Яздий эса бундай дейди: кўчирилганлар орасида машҳур олимлар, муллалар, Қуръон билимдонлари, турли касбдаги ҳунармандлар, қурувчи усталар кўп эди. Зукко тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ёзганидек, «Хоразмлик усталар баланд сарой барпо этдиларки, ҳозирги кунда у Оқсарой номи билан аталади».

Оқсаройни чиндан-да дунё меъморчилик маданиятининг дурдоналари деб тан олинган машҳур Парпенон, Баальбек қасрлари ва Миср эҳромларига тенглаштириш мумкин. Шарқ ҳунармандчилик санъатининг нозик усуллари уйғунлашган хилма-хил безаклар, нақшлар ва кошинлар, ички ва ташқи равоқлар кишини ҳайратда қолдиради.



Ўша вақтда бинонинг умумий баландлиги 70 метрга яқин бўлган. Иншоотнинг ҳозирги қолдиғи 38 метрни ташкил этади.

Бино аниқ геометрик ва математик ўлчамларга эга. Саройнинг ҳозирги пайтда сақланиб қолган 2 та улкан устуни сирланган мозаика ва 7 хил рангдаги такрорланмас, ўйма нақшлар билан безатилган.

Саройнинг бурчакли миноралари да «Куфий» ёзувида «Султон — шоҳнинг соясидир» деб ёзиб қўйилган. Шунингдек, «Подшоҳ Оллоҳнинг ердаги соясидир» мазмунидаги ёзувлар бино пештоқи юзасининг бир неча жойида такрорланган. Пештоқ устунининг олд томонида «Адолат-давлат асоси ва ҳукмдорларнинг шиоридир» деган битик олти марта ёзилган. Бундан ташқари, «Подшоҳларнинг сўзи, сўзлар орасида подшодир», деган «Куфий» услубида тилло суви югуртирилиб ёзилган матн ҳам бор.

Оқсаройнинг ҳозирги сақланиб қолган қисмида «Гўзаллиги жиҳатидан ҳайратланарли ва гумбазлари бўлган бу бино пештоқ қуббаларида ўз аксини топган ва жилваланувчи, турли рангдаги нурлар таратувчи машъалага ўхшайди» деган матн ҳам мавжуд.

Машҳур испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам саройнинг гўзаллигига тан бериб, унинг олтин ва ложувард кошинларига ҳавас билан тикилган.

Оқсарой тарихини ўрганиш бўйича анча ишлар қилинган. 1936 йилда археолог олимлар С.К.Кабанов ва Г.А.Пугаченкова, 1976 йилда Х.Т.Султонов олиб борган қазишмалар кўрсатиб турибдики, сарой маъмурий бошқарув қисми, қабулхона, турар-жой хоналаридан иборат бўлган. Йиллар ўтиши ва табиий иқлим шароитларининг ўзгариши билан бинонинг асл ҳолатига зарар етган, кўп қисми бузилиб кетган.

Муҳандис меъмор Муҳаммади Азимовнинг таклифига кўра, фан ва техниканинг ҳозирги имконияти, жаҳон меъморчилиги ютуқларидан фойдаланиб, Оқсаройни таъмирлаш мумкин. Таъмирлашда ўта енгил, лекин пишиқ конструкция ва материаллардан фойдаланиш, биринчи навбатда ер ости сизот сувлари сўриб олиниб, замин бўшлиғига босим остида цемент юбориб, мустаҳкамланса, ташқи кўриниши ва безакларига путур етказмаган ҳолда бинонинг юк кўтарувчи темир бетон умуртқа поғонаси, горизонтал белбоғлари, яъни скелети яратилса, иморатни асл ҳолати даражасида тиклаш мумкин.

Яқинда Амир Темур номли маданият музейида рамзий Тинчлик устуни ўрнатилди. Устуннинг тўрт тарафига ўзбек, инглиз, япон, эсперанто тилларида тинчлик мадҳ этувчи сўзлар битилган. Маросимда Масаё Шибамото хоним бошчилигидаги Японияниг Гои Тинчлик фонди делегацияси қатнашди. Японлар шаҳардаги тарихий ёдгорликлар билан танишар эканлар, аждодларимиз маҳоратига қойил қолдилар.

Ҳисор тоғларидан қарасангиз, қуёшнинг заррин нурларида мўъжизакор Оқсаройнинг мовий кошинлари олтиндай товланиб кўзга ташланади. Самони қуюқ булутлар қоплаган қоронғу тунда ҳам бу улкан кошона олисдан сутдек оқариб кўринади.

Авлодлар армонини, маданияти ва санъатини ўзида мужассам этган Оқсарой ҳамон мафтункор ва гўзал.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Юртимиз обидалари

"ТИКО" КЕТИДАН "НЕКСИЯ"

Кабутарнинг гўнгидан «Тико» автомобили олганликларини эшитганмисиз? Ҳайрон бўлманг. Бу лоф эмас, афсона ҳам эмас. Айни ҳақиқат. Китоб туманидаги Каромат Рустамова номли ширкат хўжалигининг хисобчиси Ғайратжон Обидов гижинглатиб миниб юрган «Тико» автомобили айнан кабутар гўнги эвазига келгани рост.

Ғайратжон ўтган йили уйидагилари билан маслаҳатлашган ҳолда, хўжаликдан бир гектар ер олиб, шартнома асосида ўша ерга помидор экди. Ердан 34 тонна ҳосил олишни мўлжал қилди. Кўпчилик «енгил ишларда юрган Ғайратжон олган ерини эплармикин» дея гап қилишди. Уни биладиганлар эса, «Кўрсам» қишлоғида Ғайратжондек ориятли йигит топилмаса керак, ҳали кўрасизлар, бир меҳнат қилсинки, гап-сўз қилганлар уялиб қолади, дейишди.

Йигит оила аъзолари билан биргаликда ишга киришиб кетди. Экилган ниҳолларнинг авжи паст эди. У мана-ман деган деҳқонларга маслаҳат солганида, парранда гўнги жуда фойдали эканлигини айтиб қолишди. Ғайратжон калласига келган фикридан ўзи ҳам қувониб кетди. Кўп йиллардан буён хўжалик идорасининг чердагида кабутарлар уя қуришган. Ана шу кабутар гўнгини олиб, помидор экилган майдонларга солса-чи?!

Фарзандлари билан бирпасда барча кабутар гўнгларини қопларга жойлади-да, уйига элтиб қўйди. Кимдир бир кулги бўлсин, дея Ғайратжон катта қопларда буғдой ўғирлаб орқалаб юрибди, дея қишлоқ милиционерининг қулоғига шипшибди. Бу гапни эшитибоқ милиционер «йигит ҳе йўқ, бе йўқ» деворга суяб қўйилган қопга ёпишса бўладими... Қопнинг оғзини очиб кўргач, кўзлари катта-катта бўлиб, ўша жойнинг ўзида ҳайкалдек қотди-қолди. Бу ҳолатни кўрган Ғайратжон гап нимада эканлигини билиб қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Милиционер йигит эса сув кўрмай этик ечганидан изза бўлиб орқа-олдига қарамай қочиб қолди. Бу воқеа сабаб «Кўрсам» қишлоғида милиционер ва кабутар гўнги ҳақидаги гап-сўз болалагандан-болалади. Гап-сўзлар босилгунга қадар бечора милиционер одамларга қорасини кўрсатмай юрди.

Ғайратжон ўғли Сарваржон билан кабутар гўнгини шарбат усулида помидор ниҳоллар жўякларига тарашди. Эртаси куни эса, бирдан ниҳоллар авжи ўзгарганлигини кўрган Ғайратжоннинг шижоати жўшиб кетди. Хўжаликдаги паррандачилик фермасидан ҳам парранда гўнгини олиб келди.

Ўша йили 34 тонна ўрнига 74 тонна помидор териб топширишди. Хўжалик раиси Абдували Ваҳобов эса ким ортиғи билан режани бажарса, мукофотга «Тико» енгил автомашинасини қўйган эди. Бу совринни Ғайратжон Обидов илиб кетди.

«Кўрсам» қишлоғига йўлингиз тушса борми, шу кунларда Ғайратжон қаерда парранда гўнги бўлса, помидор экилган ерларига ташиётганининг гувоҳи бўласиз. Бу йилги навбат — «Нексия»га!

Беҳазил

ТЎЛАНБОЙ – ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Наманган вилояти ўқув юртлари талабалари ўртасида спорт, айниқса, унинг бокс тури тобора оммалашиб бормоқда.

Яқинда ажойиб истеъдод эгаси — Наманган Давлат университети талабаси, спорт устаси Тўланбой Дониёров Туркиянинг Истамбул шаҳрида 25 давлат вакиллари иштирокида ўтказилган халқаро турнирда улкан ғалабани қўлга киритди. 48 килограмм вазнли боксчилар ўртасида финалга йўлланма олган вакилимиз ҳужумкор ўйин намойиш этиб, украиналик рақибига ҳеч қандай имкон қолдирмади.

Учрашув Т.Дониёровнинг яққол устунлигида якунланди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси Жиззах вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг раиси И.Ўриновга онаси

Нозима ЎРИНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси тармоқ қўмита ходимлари Марказий қўмита бош ҳисобчиси Қенжа Рис қулбековага акаси

Сеилбек РИСҚУЛБЕКОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6